

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилоят
Кенгашининг IX-Конференцияси**

Қ А Р О Р И

2025 йил 10 июл

№ IX -1

Наманган шаҳри

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилоят
Кенгашининг 2020 йил августидан 2025 йил июлгача бўлган
даврдаги фаолияти ва касаба уюшмалари ташкилотларининг
келгусидаги вазифалари тўғрисида.**

Мамлакатимиз ва халқимиз хаётида охирги саккиз йил туб маънода тарихий ўзгаришлар, улкан ютуқларга бой йил бўлди.

Айнан шу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат иқтисодиёти, маданияти ва маънавияти, ижтимоий-сиёсий хаёти, халқнинг турмуш тарзи ҳамда дунёқарашию, тафаккурида демократик ўзгаришлар юз берди.

Бунда Давлат раҳбарининг ташаббуси билан чуқур ва пухта ўйлаб ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этди.

Жумладан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг жадал ўсишига олиб келган катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу мамлакатнинг деярли барча барқарор ривожланиш мақсадларини фаол ва самарали амалга ошириш учун кучли туртки бўлди.

“Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида” тамойилига асосланган ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тасдиқланиши халқ фаровонлигини янада оширишда муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган ва 2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегияси амалга оширилмоқда.

Юқоридаги муҳим дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳада улкан натижаларга эришилди. Хусусан, 2017 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 249 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 567 трлн. сўмга етди.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш соҳасида олиб борилган ислохотларнинг ёрқин натижаларини бугун бутун дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

2017–2022 йилларнинг ўзида мамлакатимизда намунавий лойиҳа бўйича 300 минг хонадон ва якка тартибдаги уй-жойлар куриб, фойдаланишга топширилди ва бу кўрсаткич мустақилликнинг ўтган йилларига нисбатан **10 баробар кўпдир.**

Муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат, охириги саккиз йилда барча жабхалардага амалга оширилаётган чуқур ислохотлар барчамизни жонажон Ватанимизнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга ундамоқда.

Давлат бошқарувининг янгича демократик усули жорий этилди. Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, бутун Республикада бўлгани каби касаба уюшмалари тизимида ҳам охириги йилларда изчил ислохотлар, янгиланишлар даври бўлмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳисобот давридаги фаолиятида асосий эътибор мамлакатимизда Давлат раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этишга қаратилди.

Бу борада 2020 йил 11 ноябрда ўтказилган Федерациянинг VIII Курултойида юз берган тарихий воқелик алоҳида ўрин тутди.

Курултой қатнашчиларига Давлат раҳбари илк бор табрик йўллаб, ушбу табрикда Курултой ўтказилаётган сана - **11 ноябрь кунини касаба уюшмалари куни** деб белгилаш таклифини киритиши ва мазкур таклифдан келиб чиқиб, 2020 йил 23 ноябрда ЎРҚ-648-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ “11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” этиб белгиланиши касаба уюшмалари ташкилотларига ўз фаолиятларини янада кучайтиришга туртки бўлди.

Федерациянинг 2020 йил 11 ноябрдаги VIII Курултойи қарорида, ушбу Курултойда қабул қилинган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳисобот даврида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлди.

Республикада иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилган улкан ўзгаришларда барча бўғин касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳам муносиб хиссаси ва иштироки бор.

Амалга оширилаётган ислохотлар касаба уюшмалари фаолиятларини ҳам тубдан такомиллаштиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилишини тақазо этди.

Бошланғич ташкилотларнинг корхона, ташкилотларда тутган ўрни ва нуфузини ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланиб, уларга енгиллик бериш, ҳуқуқий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ишлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Федерация тизимида ҳар икки йилда “Ўз касбининг моҳир эгалари”, “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танловларининг ўтказилиши йўлга қўйилди.

Федерациянинг Наманган вилоят кенгаши ва қўйи бўғин касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ўтган ҳисобот йилларида улкан ва самарали ишларни амалга ошираётган вилоятимиз меҳнаткашларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, имзоланадиган жамоа шартномалари ва келишувларнинг мукамал тузилиши орқали ишчи-хизматчилар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгиланишига эришиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Юқоридагилар ҳамда музокараларда сўзга чиққанларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилоят Кенгашининг IX-Конференцияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят кенгаши раиси Х.Ҳожаевни “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилоят Кенгашининг 2020 йил августидан 2025 йил июлгача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилоят Кенгашининг 2020 йил августдан 2025 йил июлгача бўлган ҳисобот давридаги фаолияти **қониқарли** деб топилсин.

3. Вилоятдаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда Устав талаблари асосида фаолият кўрсатиши ва унга қатъий амал қилиши, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиш вилоятдаги ҳар бир касаба уюшма органининг асосий вазифаси этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши тасарруфидаги барча касаба уюшмалари ташкилотларига:

4.1. Ташкилий масалада:

- касаба уюшмалари ташкилотларининг таркибий тузилмаларини такомиллаштириш, фаоллигини ошириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрларни билим ва савияларини ошириш, **айниқса янги сайланган бошланғич ташкилотлар раислари учун** машғулот ва ўқув-семинарлар ташкил этиш;
- бошланғич ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, корхона ва ташкилотларга чиқиб уларга амалий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, бу йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттириш;
- бошланғич касаба уюшма кўмиталари нуфузини ошириш ва кўмита раисларини корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошқарув хайъати, кузатув кенгаши ҳамда ўқув юртларидаги педагогик кенгашлар таркибига киритилишига эришиш;
- касаба уюшмалари ташкилотларида ижро интизомига риоя этиш, ҳужжатлар билан ишлаш, Ижроия кўмита (*раёсат, кўмита*) ва умумий (*Кенгаш*) йиғилишларига киритилган масалаларни ўрганиш, сифатини ошириш ҳамда ушбу масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишларни юксак савияда ўтказиш ва самарадорлигини ошириш борасида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш;
- фаолияти давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари томонидан тасдиқланган Низомларга қатъий ва оғишмай амал қилиш;
- «Бошланғич ташкилот - касаба уюшмасининг асоси» лойиҳаси доирасида бошланғич ташкилотларнинг ўқув-услубий таъминотини кучайтириш, улардаги касаба уюшмалари фаолларининг билим даражасини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- мамлакатимизда фаолият юритаётган барча корхона ва ташкилотлар ходимларини касаба уюшмалари ҳимоясига олиш бунда, нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари, жумладан, кичик бизнес субъектлари, оилавий тадбиркорлар, трансмиллий компаниялар, хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузиш ва ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш тизимини ривожлантириш;
- тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда электрон ахборот ва ҳужжат алмашув тизимига тўлиқ ўтиш ишларини бочқичма-босқич амалга ошириш;
- касаба уюшмаларига алоқадор бўлган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қарорлари ҳамда устувор йўналишларида белгиланган вазифаларни жойларда қатъий бажарилишини таъминлаш устидан доимий мониторинг олиб бориш, таҳлил этиш ва ижроси

тўғрисидаги маълумотларни юқори органларга белгиланган муддатларда тақдим этиб бориш.

4.2. Ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масалаларида:

- ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, жумладан норасмий бандлик, хусусий секторда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида вилоят, шаҳар туман халқ депутатлари кенгашларининг тегишли кўмиталари билан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар бўйича қўшма семинарлар, кенгашлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини кўмиталар йиғилишларида кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

- Қонун ижодкорлигида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида асосий эътиборни вилоят, шаҳар туман халқ депутатлари кенгашларининг тегишли кўмиталари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратиш;

- ҳуқуқий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш асносида ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунлар ижроси юзасидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратининг ягона ва марказлашган тизимини шакллантириш, низоларни судгача ҳал қилиш механизминини жонлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- касаба уюшмалари ҳуқуқий ҳимоя фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Прокуратура идоралари билан барқарор ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилиш;

- халқаро ва миллий меҳнат стандартларини кенг тарғиб этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасида тарғибот фаолиятини тубдан яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- меҳнат ҳуқуқи соҳасида таълимни рағбатлантириш ҳамда фуқароларга ижтимоий-меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий-консультатив ёрдам кўламини янада кенгайтириш;

- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳар бир ҳолатга **тезкорлик** билан, ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда **муносабат** билдириш, оммавий ахборот воситаларида, айниқса ижтимоий тармоқларда шу мавзудаги хабарларни **мунтазам кузатиб ва таҳлил** қилиб бориш;

- касаба уюшмалари органларига юридик ва жисмоний шахслардан тушган ҳар бир мурожаат **онлайн дастурда рўйхатга олинишини** ва ўрнатилган тартибда **кўриб чиқилишини** қатъий таъминлаш;

- Ўзбекистон қонунлари, айниқса, меҳнат муносабатларига оид қонунлар асосида касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни, келиб тушган ҳар бир ариза ва шикоятни қонуний ҳал этиш;

- меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи бузилган ҳолатларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, уларни тўлиқ ечимини топишга эришиш, бунинг учун касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш;

- “Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун талабларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан келиб чиқиб, иш фаолиятларини такомиллаштиришда куйи касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш.

4.3. Ижтимоий шериклик масалаларида:

- барча даражадаги ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий мулоқотнинг доимий (институционал) шакллари жорий этиш соҳасида касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари куйидагиларга йўналтириш:

- жамоа шартномалари сифатини **тубдан яхшилаш чораларини** кўриш, жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи **мутахассислар малакасини** ошириш ишларини ташкил қилиш;

- меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини янада ривожлантириш, жамоа шартномалари ва келишувлари мазмун-моҳиятини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш, жамоа шартномаларига ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талаблари бажарилишига эришиш механизмларини киритиш;

- касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатларини ижтимоий шериклик тамойили асосида жамоа шартномаларига киритган ҳолда мустақкамлаш ва кучайтиришга эътибор бериш;

- бошланғич касаба уюшма ташкилотлари кўмиталарига жамоа шартномаларини мукамал тузиш бўйича услубий ва амалий ёрдам бериш, жамоа шартномалари ва келишувларидаги мажбуриятларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш, уларни бажармаган ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

- ижтимоий-меҳнат соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида яратилган имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб олиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, Федерациянинг Наманган вилоят Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида тузиладиган ҳудудий келишувни аниқ чоралар билан бойитилишига эришиш;

- **ҳудудий келишувнинг бажарилишини доимий равишда назорат ва муҳокама қилиб бориш;**

- ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш мақсадида “трипартизм плус” тизимидан самарали фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг реал секторида корхоналар ишининг пировард натижалари билан ижтимоий имтиёзларнинг боғлиқлигини назарда тутувчи, ижтимоий меҳнат соҳасидаги янги муаммолар ечимини белгилаб берувчи, корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишга ёрдам берувчи тариф келишувлари ва мосланувчан жамоа шартномаларини тузиш амалиётини кенгайтириш;

- барча, энг аввало кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни, фермер хўжаликларини жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш;

- барча жойларда ягона музокара жараёни амалиётини ягона мажбуриятлар доираси билан уйғун ҳолда олиб бориш, бунда жамоа келишувлари ва шартномаларини тузишдаги кетма-кетликни иш берувчиларнинг Бош ва тармоқ келишувларини тан олиш мажбуриятлари билан боғлаш;

- жамоаларга доир меҳнат низоларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

- меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалаларини мувофиқлаштириб бориш вазифаларини юклатиш.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш билан ҳамоҳанг равишда меҳнат бозори ҳам ривожланиб бормоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида аниқ тизим яратилиб, унинг самарали ишлаши таъминланмоқда.

4.4. Бандликни таъминлаш, доимий иш ўринларини яратиш масаласида:

- Вилоят, шаҳар ва туман давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланадиган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- меҳнат бозорида фаол сиёсат юритишга, муносиб иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи барқарор иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш, яратилган янги иш ўринларига қабул қилинган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш;

- бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва вақтинча банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

- яратилган янги иш ўринларида меҳнат шароитларини назорат қилиш юзасидан меҳнат инспекциялари билан яқиндан алоқа ўрнатиш;

- меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари энг кам миқдорини белгилаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, бунда, айниқса олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, ногиронлар, ёлғиз оналар ва аҳолининг

ижтимоий заиф қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш;

- таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат жамоаларига кўникишларига, уларнинг ўз иш ўринларида қўнимлилигини таъминланишига кўмаклашиш;

- норасмий секторда бандликни чеклаш чораларини амалга оширишга кўмаклашиш, бунда оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорлик миқёсини кенгайтириш, агрофирмалар ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;

- юридик шахсларнинг банкротликка учраши, модернизация натижасида қайта ташкил этилиши оқибатида бўшатилаётган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилишига, уларни қайта ўқитишга, малакасини ўзгартиришга ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

- давлат улуши хорижий инвесторларга берилган корхоналарда ходимларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

- бандликка кўмаклашиш борасида Бош, тармоқ, ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланиш.

4.5. Хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш борасида олиб борилаётган ишларга кўмаклашиш масаласида:

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва афзалликларнинг амалда рўёбга чиқарилишини назорат қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига эришиш;

- кичик бизнес субъектларига меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш масалаларида ҳуқуқий маслаҳатлар кўламини кенгайтириш;

- тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари мансабдор шахсларига нисбатан таъсирчан чоралар кўрилишига эришиш.

4.6. Муносиб иш ҳақи ва аҳоли турмуш даражасини ошириш масаласида:

- корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг меҳнатига тўланаётган ҳақ уларнинг малакасига мувофиқлиги таъминланиши устидан **касаба уюшмаларининг таъсирчан назоратини ўрнатиш;**

- иш ҳақини ўз вақтида тўланиши устидан қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф

қилиш юзасидан барча қонуний чора-тадбирларни кўриш бўйича касаба уюшма ташкилотларининг масъулиятини ошириш;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этишга кўмаклашиб бориш, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида иш ҳақининг улушини барқарор сақлаб туришда Бош, тармоқ ва ҳудудий келишувлар имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни таъминлаш чораларини кўриш, бундай нисбат жамоа келишувлари ва шартномаларида акс эттирилишига эришиш;

- иш берувчилар томонидан иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, зарур ҳолларда жамоа шартномалари орқали меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори жорий этилишига эришиш;

- ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида олиш ҳуқуқларини муҳофаза қилиш амалларини кучайтириш, айрим тармоқларда ўзини оқлаган иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича “йўл хариталари”ни барча миқёсларда қабул қилиниши ва бажарилиши амалиётини кенгайтириш;

- истеъмол нархлари индексининг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизминини жамоа-шартномавий ҳужжатларда жорий этиш;

Халқаро меҳнат стандартларини кенг жорий қилган ҳолда:

- меҳнат муносабатлари соҳасини янада эркинлаштиришга, мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўйилмаслигига, қишлоқ хўжалигида мавсумий ходимлар эркин ёлланишига эришиш;

- иш берувчилар томонидан ходимларнинг иш вақти меъёрларига ва таътилга чиқиш ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, бунда мавсумий ходимларга, кичик бизнес субъектлари ходимларига, маъмурий бошқарув функцияларига эга ходимларга алоҳида эътибор қаратиш;

- меҳнат соҳасида камситмаслик, тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар, тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига қатъий амал қилинишига эришиш.

4.7. Меҳнаткашларнинг ижтимоий кафолатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласида:

- аҳолининг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш, иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганларни расмий секторга ўтказишга кўмаклашиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

- ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чоралар амалга оширилиши юзасидан давлат органлари, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш;

- бандликнинг ноанъанавий шакллари билан банд ходимлар (*норасмий секторда бандлар, вақтинчалик, мавсумий ишчилар ва ҳоказолар*)ни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш;

- пенсионерлар, ногиронлар, вояга етмаганлар, ёлғиз кексалар ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш;

4.8. Меҳнатни муҳофаза қилиш масаласида:

- Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунининг корхона, ташкилот ва муассасаларда бажарилишига эришиш;

- меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникасига тааллуқли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва қоидалар асосида касаба уюшма аъзоларини хавф-ҳатарсиз меҳнат қилиши ва ўқиши учун зарур шарт-шароитларни замон талаби даражасида ташкил қилиш;

- иш жараёнида шикастланишларни, касб касалликлари ва бошқа бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳамда корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшиланиши юзасидан иш берувчилар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларга уларни эътиборини қаратиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, бу ишларни ташкил қилишда касаба уюшмаси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси, корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган меҳнат муҳофазаси хизматлари ролини ошириш;

- меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакл ва усулларини янада такомиллаштириш, меҳнат хавфсизлиги бўйича халқаро стандартларни жорий этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш ҳамда мутасадди ташкилотларга мунтазам равишда киритиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

- ваколатли давлат органлари, иш берувчилар томонидан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенциялари ҳамда тавсиялари, шунингдек амалдаги Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими асосида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ҳамда жорий қилиш, ушбу стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган якка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни кенгроқ йўлга қўйиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;

- меҳнат муҳофазасини бошқариш соҳасида профессионал хавф (риск)ни баҳолаш усуллари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса учун товон пули тўлаш тушунчасидан уни олдини олишга ўтиш, бехатар меҳнат шароитларини таъминловчи янги технологиялар ва техник воситаларни жорий қилиш

масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари томонидан ўзаро келишилган ҳаракатлар олиб борилиши;

- ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, давлат назорати ва текшируви органлари билан биргаликда меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик ҳавфсизлик аҳволини ўрганиш амалиётини кенгайтириш;

- касб касалликлари ривожланиши хавфи юқори бўлган корхоналарда профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, ўз вақтида аниқланиши ва уларга даволаш-соғломлаштириш тадбирлари мажмуи қўлланилишига эришиш;

- янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган ходимлар, жумладан аёллар ва ёшларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари билан таъминланишини мониторингини олиб бориш;

- меҳнат муҳофазаси йўналиши бўйича халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан тажриба алмашилишига эришиш.

4.9. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласида:

-корхона ва ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жihatдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш;

-ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва уларни соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлигини ҳамда касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

-бугунги кунда фаолиятини олиб бораётган ташкилот, корхоналарда санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормаларига риоя этилишини ташкил этиш;

-жамоа шартнома ва келишувларининг меҳнат муҳофазасига оид бўлимини ишлаб чиқишда иштирок этиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

-давлат меҳнат инспекцияси билан ҳамкорликда техник жihatдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини мақсадли ўрганишда иштирок этиш;

-келиб тушаётган барча мурожаатларни, уларнинг ҳар бирини орқасида инсон тақдири борлигини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва мурожаат этган фуқаронинг розилигини олиш зарурлиги бўйича чоралар

қабул қилиш, судлар ва бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, вакиллар сифатида иштирок этиш;

- давлат органлари ва ташкилотларида Гендерга оид аудит ўтказиш;

- юридик ва жисмоний шахслар ўртасида меҳнат соҳасига доир кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

4.10. Хотин-қизлар ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш масаласида:

- хотин-қизлар мақомини янада кўтаришга қаратилган давлат ижтимоий сиёсатини қўллаб-қувватлаш;

- хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ва Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда аниқ тизимли иш ташкил қилиш ва амалга ошириш;

- иш билан таъминланиш, малакасини ошириш, бошқа касбга ўқитиш масалаларида эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятлар яратиб берилишига эришиш;

- касаба уюшмалари сайланма органлари таркибида аёллар вакиллигини кўпайтиришга қаратилган чораларни кўриш;

- жамоа шартномалари ва келишувларида хотин-қизлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини ва уларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи меъёрлар кўлами кенгайтирилишига эришиш ва уларнинг амалдаги ижроси устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

- хотин-қизларга меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, иш билан таъминланиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида, нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланадиган, масъулиятли ишларда фаолият кўрсатишлари учун яратилаётган имкониятларни янада кенгайтиришга кўмаклашиш;

- хотин-қизларнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида барпо этилаётган янги иш ўринларида меҳнат қилаётган аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

- вилоятдаги барча бўғин касаба уюшмалари ташкилотларининг хотин-қизлар комиссиялари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- “Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси” фаолиятини тизимли давом эттириш;

- “1211 Ишонч телефони”га хотин-қизлардан тушаётган мурожаатларда кўтарилган муаммоларнинг ҳеч бири ечимсиз қолмаслигини таъминлаш, уларни ҳал қилиш учун мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш;

- Ёшлар бирлашмалари, Ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси фаолиятини янада ривожлантириш, уларни ёшларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш;

- хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, барча даражадаги касаба уюшмалари органлари таркиби ва раҳбарлик лавозимларида уларнинг вакиллигини кенгайтириш;

- ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топишида, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишда касаба уюшмаларининг иштирокини кенгайтириш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ва талаба ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшма аъзоллигига кенг жалб этиш, касаба уюшмалари фаоллари сафини ёшлар билан мустаҳкамлаш;

- ёшларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича қарорлар ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказишда, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлашда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга;

- уч томонлама музокаралар ўтказишда ёшлар меҳнат ҳуқуқларининг кафолатлари кенгайтирилишига, ҳудудий келишув ва жамоа шартномаларига ёшлар учун қўшимча кафолатлар албатта киритилишига эришиш, уларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш;

- ёшларнинг меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатлари, халқаро меҳнат стандартлари, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро Конвенциялар қоидалари тўғрисидаги билимларини ошириш;

- ёшларни муносиб иш ҳақи тўланадиган ишларга жойлашиши, соғлиғини мустаҳкамлаш учун шароит яратилиши, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида қонун чиқарувчи, ҳокимият органлари ва иш берувчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш;

- барча даражадаги касаба уюшмалари органлари ишида Ёшлар кенгашлари вакилларининг иштироки таъминланишига;

- ёшлар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, фестиваллар, форумлар ўтказиш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда онгида ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат хиссини шакллантиришга эришиш.

4.11. Маданий-маърифий ҳамда жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш масаласида:

- йиллар номланиши муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурлари ижроси доирасида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини имкон даражасида қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, касаба уюшмаси аъзоларини ҳар томонлама муҳофаза

қилиш, уларни ва оила аъзоларини моддий, маънавий ҳимоялаш ҳамда соғломлаштириш ишларини амалга оширишда барча бўғин ташкилотларининг фаол иштирок этишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўқиб-ўрганиш орқали миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари, мамлакатимизнинг ўз ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари, олдимизда турган улғвор вазифаларни ходимларга, айниқса талаба ва ўқувчи ёшларга тушунтириш ишларини юқори савияда ташкил қилиш;

-мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш соҳасидаги ишларини тубдан кучайтириш;

-корхона ва ташкилотларда **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** ғояси остидаги маънавий-маърифий тадбирлар, **“Маърифат соатлари”**ни мунтазам равишда ўтказиб бориш, уларнинг сони ва самарадорлигини янада ошириш чораларини кўриш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларга қарашли маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари базасини яхшилаш учун ҳамкорликдаги ишларни амалга ошириш ва шу орқали касаба уюшмаси аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш,

- ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, мунтазам равишда спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ходимлар гимнастикаси ҳамда оммавий спортни ривожлантириш орқали соғлиқларини тиклашга эришиш;

- касаба уюшма аъзолари ва уларни оила аъзоларининг республикамизнинг тарихий шаҳарлари, ҳудудимиздаги диққатга сазовор ва муборак қадамжолари, зиёратгоҳларга ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларига саёҳатларини уюштириш орқали уларда ватанга муҳаббат, азалий қадриятларга садоқат ҳиссини шакллантириш;

Байрам арафаларида касаба уюшма фаоллари томонидан меҳнат фахрийлари, нурунийлар, кам таъминланган, касал ётган ходимлар, ногиронлар, “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган аёллар, ижтимоий реестрда турган ходимлар ҳолидан хабар олиш уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш;

- талабалар ва ўқувчилар турар жойларидаги бошқарув тизимини намунали йўлга қўйган олий ўқув юртларининг тажрибаларини ўрганиб чиқиш ва оммалаштириш, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ижтимоий шерикчилик тамойили асосида касаба уюшмаси кўмиталари томонидан амалга оширилаётган ишларни талаб даражасига кўтаришга эришиш, уларнинг кам таъминланган, шартнома асосида ўқийдиган, талабалар турар жойларидан ташқарида истиқомат қиладиган талабаларни имкон даражасида ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш борасида фаолиятни кучайтиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

-кенг жамоатчиликка ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида холис ва ҳаққоний маълумотларни етказиш мақсадида, оммавий-ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш, уларда тизимдаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг чиқишларини ташкил қилишга эътиборни янада кучайтириш;

-ижтимоий тармоқларда касаба уюшмалари фаолиятига доир тарқатилаётган материалларга ўз вақтида муносабат билдириб бориш, зарур ҳолларда улар билан учрашувлар ташкил қилиб, атрофлича тушунтиришлар бериш ишларини йўлга қўйиш;

4.12. Ижтимоий суғурта ва аъзолик бадаллари маблағларидан самарали фойдаланиш масаласида:

- касаба уюшмаларининг аъзолик ва ижтимоий суғурта бадалларининг ўз вақтида, мунтазам ўтказилишини доимий мониторингини олиб бориш, молиявий ҳисоботлар ва бошқа молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши борасида кадрлар, касаба уюшмаси органлари масъулиятини оширилишини таъминлаш;

- соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини касаба уюшмалари тизимидаги санаторияларда ҳамда болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ва мазмунли дам олдириш ишларини янада такомиллаштириш;

- аъзолик бадаллари ҳисобидан ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилган маблағларнинг тўғри ва самарали сарфланишини назоратга олиш;

- қонунда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият турлари билан шуғулланиб янги иш ўринларини яратиш ҳисобига кўшимча даромад олиш чораларини кўриш;


-молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни тубдан кучайтириш, бу масалада барча даражадаги тафтиш комиссиялари масъулиятини ошириш, аъзолик бадаллари тушумини кўпайтириш чораларини кўриш;

-ҳар бир касаба уюшмаси органи ўз аъзолари олдида мунтазам молиявий масалалар бўйича ҳисобот беришини йўлга қўйиш, молиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминлаш, бу масалада турли қонунбузарликларга йўл қўйилишининг олдини олиш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитасига Конференция иштирокчилари томонидан билдирилган таклиф ва тавсияларни умумлаштириб, уларни келгусида бажарилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, чора-тадбирларнинг вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бажарилиши бўйича мониторинг юритиш ҳамда йил якунлари бўйича вилоят Кенгаши мажлисларида муҳокама қилиб бориш топширилсин.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилоят кенгашининг IX-Конференцияси қарорини вилоятдаги барча бўғин касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бажарилишини назорат этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгашига юклатилсин.

Раислик қилувчи

A handwritten signature in blue ink, consisting of a circular loop followed by a series of sharp, sweeping strokes that extend to the right.

А.Мамадалиев